



Дилором МЎМИНОВА

катта ўқитувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети
muminov_a@mail.ru

АРАБЧА ФЕЪЛИЙ ЖУМЛАЛАР ТАРЖИМАСИДАГИ ЎЗИГА ХОС УСУЛЛАР ТЎҒРИСИДА

Мазкур мақолада арабча матнлардан олинган жумлалар ва феълий бирикмаларни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида она тилининг грамматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эътибор берилиши лозим бўлган айрим ҳолатлар тўғрисида фикр юритилади.

В данной статье речь идёт о некоторых особенностях перевода арабских предложений на узбекский язык, а также раскрывается смысл некоторых примеров из печатных изданий.

This article goes about some changes and grammatical features of Arabic passages and verbal phrases which occur while translating from Arabic into Uzbek. Also it includes essential information about translating skills which is required from the interpreter.

Калит сўзлар: матн тили, таржима тили, стилистика, масдар, масдари мутлак.

Ключевые слова: язык текста, язык перевода, стилистика, масдар.

Key words: language of the passage, language of the translation, stylistics, nominalization.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида дунёга чиқиши, хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларининг йилдан-йилга кенгайиб, мустақамланиб бориши ҳаётнинг барча жабҳаларида, жумладан илм-фан, маданият, тиббиёт, тижорат, муҳофаа каби кўплаб соҳаларда тажриба алмашиш, бир-биридан ўрганиш жараёнида ўз аксини топмоқда. Бу жараён шубҳасиз, энг аввало, тил воситасида амалга оширилади. Тил ҳар бир халқнинг тарихини, унинг моддий ва маънавий ҳаётини ўзга халқлар билан ўзаро алоқа ва муносабатларини бевосита акс эттирувчи муҳим ижтимоий ҳодисалардан бири ҳисобланади. Шундай экан, чет тилини ўрганиш ва ўргатиш мамлакатимизнинг ўзга халқлар билан ижтимоий-сиёсий алоқаларини янада

мустаҳкамлашда ва бардавом бўлишида алоҳида аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда... Бугун жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг хожати йўқдир”.(2)

Маълумки, араб ва ўзбек тилларига оид лексик бирликларни, грамматик шаклларни қиёслаш, улар орасидаги ўзаро лисоний хусусиятларни аниқлаш, таржима соҳасида ўзига хос бўлган хусусиятларни тадқиқ ва таҳлил қилиш долзарб масала ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, биз мазкур мақолада арабча феълий жумлаларнинг ўзбек тилига таржимасига оид ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Таржима жараёнида икки тил иштирок этиб, улар матн тили ва таржима тилидир. Кейинги ўринларда уларни шартли равишда МТ ваТТ шаклида бериб борамиз. МТ ва ТТларининг ҳар бирида лексик ўхшаш сўз ва иборалар – ўзгармас, бир-бирига мос тушувчи сўз ва сўз бирикмалари борки,улар матн мазмунига боғлиқ эмас, яъни унга боғлиқ равишда ўзгармайди(2). Масалан: расмий ташриф [зийа: ратун расмиййатун] زيارة رسمية

мудофаа вазири — [вази:руд дифа:и] وزير الدفاع

бош вазир — [вази:рул вузара:и] وزير الوزراء

ибралари шулар жумласидандир.

Ахборот матнларида инсонлар билим доирасининг турли соҳаларида қўлланадиган сиёсий атамалар доимий бўлиши билан бир қаторда, бошқа оддий сўзлар, яъни ижтимоий ҳаётимизда қўлланадиган айрим сўзларнинг таржимаси ҳам айнанмос келиши мумкин. Бунга мисол қилиб:

Йўл — [саби:лун] سبيل

Қўллаш — [аййада] آيد

етиб келди — [вас.ала] وصل каби сўзларни олишимиз мумкин.

Бироқ, деярли ҳамма тилларда сўзларнинг аксарият қисми бир эмас, бир неча маънода қўлланадики, уларнинг маъно доираси ҳар доим ҳам бу таққосланаётган икки тилда мос келавермайди. Шунинг учун таржимоннинг олдида улардан энг мутаносибини танлаш вазифаси туради. Бу жараёни амалга оширишда матн мазмунига аҳамият бериш муҳим аҳамиятга эга. Биз

2. (2, б. 8-9)

2.(2, б. 9)

таржима тилининг маъно ва услубига тўла мос келадиган матн яратмоқчи бўлсак, у ҳолда матн тилига айнан мос келадиган сўз танлашимиз керак бўлади. Шундай экан, сўзнинг мазмунига доимий мос келувчи сўзнинг ўрнига матн мазмунига мос келувчи сўз алмашинади. Шу ўринда таржима тилининг қомусий матнида қайд этилмаган лексик маъно қўлланилиши мумкин.

الجزائر – مراسل سانا. عقد الرئيس الجزائري الشاذلي بن جديد و الفيتنامي فوشي كونغ هنا امس (3) جولة جديدة من المحادثات تناولت العلاقات الثنائية و القضايا الدولية ذات الإهتمام المشترك.

[Ал-Жаза:иру – мура:силу Сана. Ўақадар раййса:нил жаза:ириййу ал-Ша:злий бин Жаид вал Фийтна:миййу Фувший Кунғ ҳуна: амси жавлвтвн жади:датан минал маха:даса:ти тана:валат ал-ъала:қа:тус суна:иййату вал қад.а:йа:д дувалиййа за:тул ихтима:мил муштарак]

Ушбу араб матбуотидан олинган хабар ўзбек тилига таржима қилинганда, хабар мазмунига мос (контекстуал) таржимага эришиш учун ўзбек тили гап тузилиши қоидаларидан келиб чиқиб ёндашиш талаб қилинади.

Таржимаси: Жазоир – Сана мухбири хабар қилади. Кеча бу ерда Жазоир президенти Шазли Бин Жаид ва Вьетнам президенти Фувши Кунг музокараларнинг янги доирасини ўтказдилар. Унда икки томонлама алоқалар ва муштарак аҳамиятга эга бўлган халқаро масалалар кўриб чиқилди.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, араб тилида маълум сўзларнинг маъносини унинг мослашган аниқловчилари ёки улар билан келаётган ёрдамчи сўзлар яъни кўмакчилар ифодалаб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларни таржима қилганда мазмунни тўлиқ ифодалашга эришиш учун таржимондан араб ва ўзбек тилларининг услубий жиҳатларини яхши билиш ўзига хос маҳоратни талаб қилади.

Мисол:

(4) و قد انضم الي المحادثات فيما بعد وزراء الخارجية و الإقتصاد و الزراعة لكلا البلدين.

[Ва қад инд.амма илал мух.а:даса:ти фийма: баъду вузара:ул ха:рижиййати вал иқтис.а:ди ваз зира:ъати ликила:л баладайни]

Таржимаси: Кейинроқ музокараларга ҳар икки мамлакатнинг ташқи ишлар, иқтисод ва қишлоқ хўжалиги вазирлари қўшилдилар.

[ъалайна: ан натаъаллама] (5) علينا أن نتعلم

Таржимаси: “Биз билим олишимиз керак”.

Мисол тариқасида юқоридаги гапни келтиришимиз мумкин. Аслида бу гап;

نتعلم يجب علينا أن [йажибу ъалайна: ан натаъаллама]

тарзида бўлиши керак.

3. (3, б. 9)

4. (3, б. 9)

5. (4, б. 140)

Шунингдек, араб тили грамматикасида яна шундай услуб ҳам борки, унда гапдаги иш ҳаракатнинг бажарилишидан кўзланган мақсадни, бажарилиш ҳолатини, миқдорини ёки шу кабиларни ажратиб алоҳида кўрсатиш учун гапда қўлланилган феълнинг масдари яъни ҳаракат номи қўлланилади. Бундай гаплар ўзбек тилига таржима қилинганида эса ўзбек тили грамматикаси қоидалари асосланиш талаб қилинади. Бунга мисол қилиб: **أَتَقَنْتُ عَمَلِي إِتْقَانًا لَا يَتَقَنَهُ أَحَدٌ** (6)

[атқанту ʔамалий итқа:нан лаа йатқанху ах.адун] жумласини олиш мумкин.

Мазкур жумланинг сўзма-сўз таржимаси “Ўз ишимни ҳеч ким ўрганолмайдиган ўрганиш билан ўргандим”. Лекин бу жумла ўзбек тилига таржима қилинганида гапда қўлланган **أَتَقَنَ**[атқана]феъли англаган маънодан келиб чиқиб;

“Ўз ишимни мукамал эгалладим” тарзида таржима қилинганда мазмунни тўлиқ сақлаб қолишга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, биз ушбу мақолада арабий феълий жумлаларнинг таржимасига хос бўлган баъзи фикрларимизни баён қилишга ҳаракат қилдик. Уларнинг таржима хусусиятлари билан боғлиқ илмий мулоҳазаларимизни кейинги мақолаларимизда давом эттиришни назарда тутганмиз, зеро таржима санъати инсонларни ўз мақсад-муддаоларини изҳор қилишда ва фикр алмашишларида етакчи омил сифатида хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Т.: Шарқ, 1997. 8-9-б.
2. Майбуров Н. А. Читаем и переводим арабскую газету. – Москва: Муравей, 2001. 9-б.
3. Фатеева И. Г., Шокирова З.Н. Араб матбуот тили устида ишлаш. – Тошкент, 2004. 9-б.
4. Ҳасанов М., Абзалова М. Араб тили дарслари. – Т.2007.